

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ УЧУН ЖАМҒАРМА

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 172-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Жамғарма Давлат бюджети маблағлари; замонавий технология ускуналари билан жиҳозлаш учун жалб этиладиган халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари; халқаро донорлар грантлари, васийлар ва фидулякаторликдаги ҳомийлар маблағлари; Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади. Унинг маблағлари олий таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория корпуслари, спорт заллари ва талабалар турар жойларини, шу жумладан биргалликда фойдаланиладиган олий таълим муассасалари илмий-лаборатория комплексларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш учун фойдаланилиши мумкин.

Низомда Жамғарма маблағларини бошқариш; унинг даромадлари ва харажатлари прогнозини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш; Жамғарма маблағларидан фойдаланиш ҳисобини юритиш, ҳисобот бериш ва назорат масалалари тартибга солинган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Ягона буюртмачи хизматига, шунингдек тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларга Жамғарма маблағларидан фойдаланиш учун буюртмачининг функциялари юкланди.

БИР ЛОЙИҲА УЧУН – 200 ЭКИҲ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 июндаги 175-сон қарори билан Ўзбекистон Банклар уюшмаси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси ташкил этилди. Унинг асосий вазифаларига иқтисодийни ривожлантиришнинг устувор йўналишларида лойиҳа ғояларини танлов бўйича танлаш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш; республика кредит ташкилотлари томонидан инвестиция лойиҳалари молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашиш киради.

Ҳужжат билан Жамғарма маблағлари ҳисобига лойиҳа ғояларини танлов бўйича танлашни ўтказиш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом, Жамғарма му-

ассислари таркиби ва бошланғич миқдори, Жамғарма Кенгаши таркиби ҳамда штат бирликлари сони 4 нафар бўлган Жамғарманинг ижро этувчи органи тузилмаси тасдиқланди.

Битта лойиҳа бўйича Жамғарма харажатларининг энг кўп суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Белгиланишича, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш учун лойиҳа ғояларини танлов бўйича танлаш, кейинчалик Жамғарма кенгаши томонидан маъқулланган ҳолда, Жамғарманинг ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади.

ДАФН ЭТИШ УЧУН НАФАҚА

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 июндаги 174-сон қарори билан Дафн этишга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга биноан марҳумнинг эрига (хотинига), ота-онасига, фарзандларига ва бошқа қариндошларига ёки марҳумнинг қонуний вақилига, бундай шахс бўлмаган тақдирда эса – дафнни амалга ошириш мажбуриятини зиммасига олган бошқа шахсга тайинланади ва тўланади.

Нафақа Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек республикада доимий яшайдиган хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга берилади. У Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан давлат пенсияси олувчи пенсионер вафот этганда 2 ойлик пенсия миқдоридан (1993 йил 3 сентябрдаги «Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 938-ХII-сон Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ); давлат ижтимоий нафақаси олувчи фуқаро вафот этганда ЭКИҲнинг 3 баравари миқдоридан; бола ҳаётининг биринчи ҳафтаси мобайнида вафот этганда ёки ўлик бола туғилганда ЭКИҲнинг 3 баравари миқдоридан; иш билан банд бўлган ёки банд бўлмаган шахс, фуқароларнинг айрим тоифаларига тегишли бўлган шахс ёки бола вафот этган тақдирда ЭКИҲнинг 3 баравари миқдоридан тайинланади. Ходим ёки унинг қармоғидаги оила аъзоси вафот этганда нафақа ходим ишлаган корхона, муассаса ёки ташкилот томонидан (ЭКИҲнинг 3 баравари миқдоридан) тайинланади ва тўланади, кейинчалик кўрсатиб ўтилган сарф-харажатлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобига қопланади. Низомда ҳар бир вафот турида нафақа тайинлаш ва тўлаш масалалари, керакли ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш масалалари кўриб чиқилган. Дафн этиш учун нафақага солиқ солинмайди ва ундан ушлаб қолинмайди.

Ушбу Низом қабул қилиниши муносабати билан бир қатор ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилди, баъзи ҳужжатлар ўз кучини йўқотган деб топилди.

МЕВА САҚЛАШ ВОСИТАЛАРИГА СОЛИҚ ИМТИЁЗИ

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2011 йил

9 июнда 2233-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган асосий воситаларга мол-мулк солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга мувофиқ, 2011-2015 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар дастурининг амалга оширилишида қатнашадиган «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси корхоналари, ТИАИСВнинг ташқи савдо компаниялари, шунингдек, ташкилотлар совутиш камераларидан фойдаланган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган асосий воситалар юзасидан янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш натижасида сақлаш жойлари фойдаланишга қабул қилинган пайтдан бошлаб 3 йил муддатга мол-мулк солиғи тўлашдан озод қилинадилар.

Мазкур Низом фақат умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчи бўлган ташкилотларга нисбатан қўлланилади. Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзни қўллаш учун ташкилотлар совутиш камераларидан фойдаланган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган асосий воситалар бўйича солиқ солинадиган базанинг ҳисобини алоҳида юритишлари шарт.

2011 йил 19 июндан кучга кирди.

БОЛАЛАР ОРОМҒОҲЛАРИ ҲАҚИДА НИЗОМ ТАСДИҚЛАНДИ

Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 10 июнда 2235-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ҳақидаги низом тасдиқланди. Унга биноан оромгоҳ 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг дам олишлари учун барча шароитлар яратилган, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган мактабдан ташқари таълим муассасаси ҳисобланадиган соғломлаштириш муассасасидир. Белгиланишича, у бир неча балансда сақловчи ва касаба уюшмалари органларининг биргалликдаги маблағлари асосида ташкил этилиши мумкин. Оромгоҳ давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан оромгоҳнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳа асосида қурилган оромгоҳларда, пансионатларда, дам олиш уйларида, санаторий-профилакторийларда, умумий ўрта таълим мактабларида, мактаб-интернатларда, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ва бошқа таълим муассасаларида ташкил этилади ва юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилади. Болаларни оромгоҳда сақлаш харажатлари балансда сақловчи, ижтимоий суғурта маблағлари, касаба уюшмаси бюджети маблағлари, ота-оналар йўлланма учун тўлаган маблағлар, шунингдек қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Оромгоҳда болаларнинг ёши ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда тузиладиган гуруҳлардаги болалар сони 7 – 9 ёшдаги ўқувчилар учун 30 нафардан, 10 – 14 ёшдаги ўқувчилар учун 40 нафардан ошмаслиги керак.



Болаларни оромгоҳда соғломлаштириш муддатлари ёзги мавсум даврида 10 кундан, кузги ва қишки мавсум даврида 7 кундан кам бўлмаган муддатни ташкил этади.

Низом билан шунингдек оромгоҳларнинг асосий вазифалари ва функциялари, уларни бошқариш, молиялаштириш ва ҳисобот бериш масалалари тартибга солинган.

2011 йил 20 июндан кучга кирди.

РИЭЛТОР СЕРТИФИКАТИ КИМГА БЕРИЛАДИ?

Давлат мулки қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 10 июнда 2236-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга мувофиқ 5 йиллик муддатга бериладиган малака сертификати жисмоний шахсга, агарда у яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширсан ёки риэлторлик ташкилотининг штатида турса, риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензияси бўлганда риэлторлик хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини беради.

Ҳар бир жисмоний шахс ҳар йили 20 соатдан кам бўлмаган ҳажмда малака ошириш курсларида ўқиши шарт.

Малака сертификатини олишга талабгор ўрта махсус ёки олий маълумотга ҳамда Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган дастур бўйича риэлторлар тайёрлаш марказларида махсус ўқув курсини тугатганлиги тўғрисида сертификатга эга бўлиши керак, бунда ўқиш тугаган пайтдан бошлаб ҳужжатлар топширилгунга қадар ўтган вақт бир йилдан ошмаслиги керак. Низомда сертификат олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати белгиланган.

Малака имтиҳони компьютерда топшириладиган тест синовлари орқали ўтказилади, улар ўқув дастурининг барча бўлимларини акс эттирадиган камида 75 та саволдан иборат бўлади. Унинг натижалари имтиҳон комиссиясининг баённомаси билан малака имтиҳони ўтказилган санадан кейин 3 кунлик муддатда расмийлаштирилади.

Низомда шунингдек малака сертификатларини расмийлаштириш ва бериш тартиби, апелляция шикоятларини кўриб чиқиш, малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш ва дубликати бериш масалалари тартибга солинган.

2011 йил 20 июндан кучга кирди.

РЕЦЕПТСИЗ СОТИЛАДИ

Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2011 йил 10 июнда 2237-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан ўз ичига 1315 номланишдаги дори воситаларини оладиган Шифокор рецептсиз сотиладиган дори воситаларининг рўйхати тасдиқланди.

2011 йил 20 июндан кучга кирди.

2011 йил 9 июндан 17 июнгача қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини «Norma» МЧЖ юрисконсулти Абдурахмон БАХТИЕВ тайёрлади.

УШЎ
СОҒДА

2-бет

Телефон орқали саволларга жавоблар

3-бет

Судга мурожаат қилиш янада арзонлашди

5-бет

Қайси ҳолларда бола парвариши даври стажга қўшилади?

7-бет

Криминалист эксперт шахсни ДНК орқали аниқлайди

\$1 = 1711,05 сўм

€1 = 2445,43 сўм

£1 = 2763,35 сўм

¥10 = 213,35 сўм

1. Вилоят адлия бошқармаси корхонада хўжалик шартномалари ижросини текширди ва унинг натижалари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзи ҳосил бўлганлиги учун директорга энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорда маъмурий жарима қўллаш тўғрисида қарор чиқарди. Биз ушбу қарорга қўшилмаймиз. Билишимизча, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзи учун солиқ органлари жарима солади. Адлия органлари кўрсатилган санкцияларни қўллашлари мумкинми? Ушбу ҳуқуқбузарлик учун икки марта: аввал адлия органлари, кейин эса солиқ инспекцияси томонидан жарима солишлари мумкинми?

2. Муддати 1 йилдан ошган дебиторлик қарзимиз мавжуд. Қарздорларимиз уни қисмлар билан аста-секин узишмоқда. Биз уни ундириш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қиляпмиз, бироқ ҳар бир ойнинг биринчи кунида контрагентлар билан қарз суммаларини солиштириш далолатномаларини тузаяпмиз. Уларда қарзнинг умумий суммасини акс эттиришимиз керакми ёки фақат унинг сўндирилмаган қисминини? Мазкур далолатномалар дебиторлик қарзини узиш бўйича биз кўрган чораларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар ҳисобланадими?

Қ.А.,
аудитор.

ЭЪТИРОФ ЭТИШ – УНДИРИШ ЭМАС

1. Муддати ўтказиб юборилган қарзнинг ҳосил бўлиши учун маъмурий жавобгарлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖТК) 175-моддасининг учинчи қисми билан белгиланган. Куйидагилар мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришга ва санкцияларни қўллашга ҳақлидир:

давлат солиқ органи, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари (МЖТКнинг 264-моддаси);

маъмурий ишлар бўйича судьялар – агар ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик далили хусусида низолашса (МЖТК 245-моддасининг иккинчи қисми);

хўжалик судлари – мазкур ҳуқуқбузарлик хўжалик низоларини ҳал қилиш давомида аниқланган тақдирда (МЖТКнинг 245-1-моддаси).

Адлия органлари ваколатига айтиб ўтилган ҳуқуқбузарлик

тўғрисида ишни кўриб чиқиш қирмайди (МЖТКнинг 245-2-моддаси).

МЖТК билан белгиланган, муайян ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси 1 марта қўлланади. **Биргина ҳуқуқбузарлик учун шахсга икки марта жарима солиш мумкин эмас.**

2. Қарзларни солиштириш далолатномасининг мазмунига қонун ҳужжатлари қатъий талаблар қўймайди. Одатда унда фақат узилмаган қарз кўрсатилади.

Солиштириш далолатномаси муайян санада қарзнинг мавжудлиги ва ҳажмини тасдиқлайди. Мазкур ҳужжат билан тарафлар бажарилмаган мажбуриятларнинг мавжудлиги далилини эътироф этадилар. **У қарзни узиш бўйича чора ҳисобланмайди.** Эътироз тақдим этиш ёки судга мурожаат қилиш сиэнинг ҳолатингизда шундай чорадир (1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги 670-1-сон Қонуннинг III бўлими; ХПКнинг 14, 15-боблари).

ЯРИМ ЙИЛ ФАОЛИЯТ ЮРИТМАГАНДА

Транспорт хизматлари кўрсатадиган корхонанинг ҳисоб-китоб рақамида пул маблағлари мавжуд эмас. Муассислар Эронда туришади. Фирма бирор-бир муддат мобайнида ёпилмасдан, фаолият юритмаслиги мумкинми?

С.Муродова,
«Парсник» ХК бош бухгалтери.

– Мумкин, бироқ ярим йилдан кўп бўлмаган муддатда. Фуқаролик кодекси (ФК) 53-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисига, Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 1999 йил 3 июлдаги 327-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ **6 ой мобайнида банк ҳисобрақамлари бўйича пул операцияларини ўтказган ҳолда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган юридик шахс тугатилиши керак.**

ТАСДИҚЛАШГА ВАКИЛ ЭТИЛМАГАН

1. МЧЖ бошқа ташкилотга 1 йилга 10 млн сўм миқдорда қарз беряпти.

Қарз шартномасини директор белгиланган тартибда имзолайди. Битимнинг қонунийлигини тасдиқлаш учун, шартномадан ташқари, буйруқ ёки бошқа ҳужжат чиқариш лозимми?

2. Қарз бераётган МЧЖнинг уставида директор активлар умумий қийматининг 25 фоизидан кўп бўлмаган суммада мустақил равишда битимлар тузишга ҳақли эканлиги назарда тутилган. Уставнинг мазкур талаби қарз беришга татбиқ этиладими? Юқорида кўрсатилган шартномани имзолаш учун директорга муассисларнинг рухсати керакми?

3. Ташкилот пластмасса буюмлари (тоғоралар, челақлар ва ҳоказо) ишлаб чиқаради. Ушбу маҳсулотни нафақат чакана савдо ташкилотлари, балки дорихоналар, қурилиш ташкилотлари ва бошқа корхоналар пул ўтказиш йўли билан ўз эҳтиёжлари учун харид қиладилар. Уларни ишлаб чиқарувчи корхонанинг директорлари улардан маҳсулотни фақат ўз эҳтиёжлари учун харид қиляётганлари тўғрисида хат ёки бошқа тасдиқнома талаб қилиши керакми? Текширув чоғида назорат қилувчи органлар директордан харид қиляётган маҳсулотлардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишлари тўғрисида харидорларнинг хатларини тақдим этишни талаб қилишлари қонунийми? Маҳсулот беришнинг қонунийлигини қандай ҳужжатлар билан тасдиқлаш мумкин?

О.Ахапов,
«Ургутсуперпласт» ХК иқтисодчиси.

Телефон орқали саволларга «Norma» МЧЖ эксперт юридик хизматининг бошлиғи Артём МОКШИН жавоб берди.

БОЛА УЧУН ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛ

Фарзанди 2 ёшга тўлганда ходима ишга тушмоқчи. Иш берувчи буни рад этиши мумкинми? Ходима ишга чиқиш тўғрисида ариза ёзиши керакми?

Н.Такшаидова,
Жиззах шаҳар статистика бошқармасининг бош бухгалтер ўринбосари.

– Йўқ, иш берувчи фарзанди 2 ёшга тўлган ходиманинг ишга чиқишига рад жавоби беришига ҳақли эмас. Қонун ҳужжатларида ариза бериш назарда тутилмаган. Агар ходима учинчи йил учун таътил олишни хоҳласа, ушбу ҳолда у фарзанди 3 ёшга тўлгунга қадар болани парвариш қилиш таътили беришларини сўраб ариза бериши керак. Агар ходима таътил олишни хоҳламаса ва, тегишсиз равишда, бу хусусда ариза бермаса, расман у фарзанди парвариш қилиш таътили тугагандан кейин меҳнат мажбуриятларини бажаришга киришиши шарт.



1. Йўқ, бу мажбурий эмас. Ушбу ҳолда белгиланган тартибда расмийлаштирилган қарз шартномасининг бўлиши етарлидир.

2. Ҳа, мазкур шарт пул маблағларини қарзга беришга татбиқ этилади, зеро ушбу битим жамият мол-мулкни бегоналаштириш билан боғлиқ (2001 йил 6 декабрдаги «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги 310-II-сон Қонун 44-моддасининг биринчи қисми; ФКнинг 732-моддаси). Агар қарз суммаси қонун ёки устав билан белгиланган чегарадан ошмаса, директор муассислар билан битимни келишиб олмасдан шартномани имзолашга ҳақлидир. Агар ошиб кетса, мазкур битимни амалга ошириш тўғрисидаги қарорни муассислар қабул қиладилар (310-II-сон Қонун 44-моддасининг учинчи қисми). Бунда қарз шартномасини директор муассислар умумий йиғилишининг битим тузишга рухсат берадиган баённомаси мавжуд бўлгандагина имзолашга ҳақлидир.

3. Қонун ҳужжатлари ишлаб чиқарувчи корхона раҳбаридан харидорларнинг харид қиладиган маҳсулотдан фойдаланиш мақсадини тасдиқлашни талаб қилишга мажбур этмайди. Шу сабабли у харидорлардан сотиб олинган маҳсулот ўз эҳтиёжлари учун ёки бошқа мақсадларда қўлланишини тасдиқлайдиган хатлар ёки бошқа ҳужжатларни олиши керак эмас. **Назорат қилувчи органларнинг уларни тақдим этиш тўғрисидаги талаби қонун ҳужжатларига мувофиқ эмас.**

Сотиб олинган маҳсулотнинг берилиши қонунийлигини ишлаб берувчи корхона олди-сотди шартномаси, юқхат, харидор вакилининг ишончномаси билан тасдиқлаши мумкин.

Реклама

NORMA ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ

**ИШ БЕРУВЧИГА КОРХОНА
ҚЎЛЛАНМА ЮРИСТИ**

Харид қилиш масалалари бўйича куйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

УШБУ СОНДА:

- ✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
 - Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
 - Кичик бизнес субъектига – камроқ давлат божи
 - Ҳаммаси қонун доирасида **1, 3-бетлар**
- ✓ БЕВОСИТА МУЛОҚОТ
 - Эътироф этиш – ундириш эмас
 - Ярим йил фаолият юритмаганда
 - Бола учун қўшимча таътил
 - Тасдиқлашга вакил этилмаган **2-бет**
- ✓ РАСМИЙ ЖАВОБ
 - Иссиқлик ҳисоб-китоби **4-бет**
- ✓ ИЖТИМОЙ ТАЪМИН
 - Пенсияга чиқмасликка ҳақлиман
 - Иш стажига кирмайди
 - Икки ойсиз **5-бет**
- ✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ
 - Меҳнат дафтарчаси йўқолса...
 - Ноқобил фарзанд ва мерос масаласи **6-бет**
- ✓ СЎНГСЎЗ ЎРНИДА
 - Фириб аҳли хомтама бўлмасин **7-бет**
 - top **8-бет**

МДХ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	23.06.2011	1	0,7871	1	1,1257	1	0,0281
Арманистон	23.06.2011	1	373,74	1	533,51	1	13,31
Беларусь	24.06.2011	1	4973,00	1	7099,45	1	177,26
Грузия	23.06.2011	1	1,6416	1	2,3587	1	5,8847
Қозоғистон	24.06.2011	1	146,00	1	208,44	1	5,20
Қирғизистон	24.06.2011	1	45,282	1	64,1613	1	1,607
Латвия	22.06.2011	1	0,489	1	0,702804	1	0,0175
Литва	24.06.2011	1	2,415	1	3,4528	10	8,6089
Молдова	23.06.2011	1	11,7092	1	16,825	1	0,4183
Тожикистон	24.06.2011	1	4,6689	1	6,6415	1	0,1669
Ўзбекистон	21.06.2011	1	1711,05	1	2445,43	1	60,72
Украина	23.06.2011	100	797,31	100	1147,8872	10	2,8582
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТИГА - КАМРОҚ ДАВЛАТ БОЖИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат божи ставкалари ҳақида» қарорига (1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон) Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги 140-сон қарори билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар судларга мурожаат қилишда кичик бизнес субъектларининг харажатларини камайтиради ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитининг шаклланишига ёрдам беради.

Буни қуйидаги қиёсий жадвалимиз яққол тасдиқлайди.

ДАВЛАТ БОЖИ СТАВКАЛАРИНИНГ МИҚДОРЛАРИ	
ВМнинг 140-сон қарори қабул қилинганга қадар	ВМнинг 140-сон қарори қабул қилинганидан сўнг
Судга даъво аризалари берилганда, бунда даъво баҳоси: <i>фақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун, улар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти доирасида:</i>	
20 ЭКИХгача бўлганда – даъво баҳосининг 5%; 20 дан 40 ЭКИХгача бўлганда – даъво баҳосининг 10%; 40 дан 80 ЭКИХгача бўлганда – даъво баҳосининг 15%; 80 ЭКИХдан ортиқ бўлганда – даъво баҳосининг 20%и (1-банднинг «а» кичик банди)	20 ЭКИХгача бўлганда – даъво баҳосининг 2,5%и; 20 ЭКИХдан юқори бўлганда – даъво баҳосининг 5%и (1-банднинг «а-1» кичик банди)
Давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахсларнинг жисмоний шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситувчи гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилганда (1-банднинг «б» кичик банди):	
5 ЭКИХ	1 ЭКИХ
Уй-жойларни ижарага олиш шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризалари, ворисликни қабул қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги, хатта олинган мулкни қайтариб бериш тўғрисидаги ва мулкка оид бўлмаган тусдаги (ёки баҳолабмайдиган) бошқа даъво аризалари билан судга мурожаат қилганда (1-банднинг «д» кичик банди):	
ЭКИХнинг 50%и	ЭКИХнинг 25%и
Судларнинг қарорлари, ҳукмлари, ажримлари, бошқа қарорларининг дубликатлари ва нусхаларини, шунингдек томонларнинг ва ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг илтимосига кўра судлар томонидан ишдан бериладиган бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини бериш учун мурожаат қилганда (1-банднинг «з» кичик банди):	
ҳужжатнинг ҳар бир бети учун ЭКИХнинг 0,5%и	ҳужжатнинг ҳар бир бети учун ЭКИХнинг 0,25%и
Хўжалик судларига мурожаат қилганда:	
Мулкий тусдаги даъво аризалари билан, даъво баҳоси (2-банднинг «а» кичик банди):	
<i>фақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун, улар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти доирасида:</i>	
1 млн сўмгача – даъво баҳосининг 3%и, лекин 1 ЭКИХдан кам эмас; 1 дан 10 млн сўмгача – даъво баҳосининг 2%и; 10 млн сўмдан ортиқ – даъво баҳосининг 1%и; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар учун – даъво баҳосининг 1%и	1 млн сўмгача – даъво баҳосининг 1,5%и, лекин ЭКИХнинг 50%идан кам эмас; 1 дан 10 млн сўмгача – даъво баҳосининг 1%и; 10 млн сўмдан ортиқ – даъво баҳосининг 0,5%и; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар учун – даъво баҳосининг 0,5%и
2) мулкка оид бўлмаган тусдаги даъво аризалари, шу жумладан корхоналар ва бирлашмаларнинг юқори турувчи органларининг далолатномаларини тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб эътироф этиш ҳақидаги аризалари, шунингдек мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқаро ташкилотларининг қўшма корхоналари ва бирлашмаларининг даъво аризалари билан (2-банднинг «б» кичик банди):	
10 ЭКИХ	5 ЭКИХ
3) банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризалар билан (2-банднинг «в» кичик банди):	
20 ЭКИХ	10 ЭКИХ
4) хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш вақтида юзага келувчи низолар бўйича даъво аризалари билан (2-банднинг «г» кичик банди):	
10 ЭКИХ	5 ЭКИХ
5) хўжалик суди қарорлари, ажримлари ва бошқа қарорларининг дубликатларини ҳамда томонларнинг ва ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг илтимосларига биноан хўжалик судлари томонидан ишдан бериладиган бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини бериш учун (2-банднинг «е» кичик банди):	
ҳужжатнинг ҳар бир бети учун ЭКИХнинг 10%и	ҳужжатларнинг ҳар бир бети учун ЭКИХнинг 5%и
Гаров, кафилилик шартномаларини ҳамда микроолиялаштиришни ва ипотека кредитини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа шартномаларни тасдиқлаганлик учун ¹ (4-банднинг «в» кичик банди):	
шартнома суммасининг 0,1%и	шартнома суммасининг 0,1%и, лекин ЭКИХнинг 50%идан кўп эмас
Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган, фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаган энгил автотранспорт воситалари, юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари, хорижий юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари ҳамда жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинган, уларни импорт қилиш (олиб келиш) санасидан бир йилдан кам муддат ўтган янги энгил автотранспорт воситалари бўйича кредит ташкилотлари билан тузилган гаров шартномалари нотариуслар томонидан тасдиқланганлиги учун (4-банднинг «к-1» кичик бандидан истисно сифатида тақдим қилинган):	
ҳар бир от кучи учун 5 ЭКИХ	шартнома суммасининг 0,1%и, лекин ЭКИХнинг 50%идан кўп эмас
Адлия органлари томонидан солиқ маслаҳатчилари ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун (8-банднинг учинчи хатбошиси):	
метёр бўлмаган	4 ЭКИХ

¹Юридик шахслар ўртасида, жисмоний шахслар ўртасида, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган, фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаган энгил автотранспорт воситаларидан, шунингдек юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари, хорижий юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари ҳамда жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинган, уларни импорт қилиш (олиб келиш) санасидан бир йилдан кам муддат ўтган янги энгил автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномаларни, олди-сотди, айирбошлаш, ҳада этиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаров, лизинг шартномаларини тасдиқлаш ҳоллари бундан мустасно. Мазкур ҳолда бож ҳар бир от кучи учун ЭКИХнинг 5 баравари миқдорда ундирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июндаги 163-сон қарори билан ҳукуматнинг баъзи қарорларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар уларни «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунга (2011 йил 15 апрелдаги ЎРК-283-сон) мувофиқлаштиради.

ҲАММАСИ ҚОНУН ДОИРАСИДА

• Чунончи, Сугурталовчилар ва сугурта брокерларининг сугурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низомга¹ киритилган ўзгартиришларга мувофиқ транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилувчи эндиликда вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мажбурий сугурта шартномаларини тузиш, жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси)нинг сугурта тўловлари тўғрисидаги талабларини кўриб чиқиш ва сугурта тўловларини амалга ошириш ваколати берилган ўз филиалларига эга бўлиши мумкин (илгари бошқа алоҳида бўлинмаларга ҳам эга бўлишга йўл қўйиларди).

• Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси (бундан кейин – Жамғарма) тўғрисида низомга² киритилган ўзгартиришларга мувофиқ Жамғарманинг мақоми аниқлаштирилди: илгари у юридик шахс сифатида белгиланган бўлса, энди у – **нотижорат ташкилоти**.

• Бундан ташқари, транспорт воситасини харид қилар экан, унинг эгаси бундан бўён транспорт воситасини рўйхатдан ўтказишгача 1 йилга уни тузиш мажбуриятисиз, уни рўйхатдан ўтказиш жойига олиб келиш муддатига мажбурий сугурта шартномасини тузиши мумкин.

• Шунингдек сугурта қилдирувчига мажбурий сугурта бўйича сугурта полиси ва махсус давлат белгиси нафақат йўқотиб қўйилган, **балки яроқсиз бўлиб қолган** тақдирда ҳам уларнинг дубликатларини олиш ҳуқуқи берилди. Бунда сугурта қилдирувчи сугурталовчининг дубликатлар бериш учун харажатларини тўланган сугурта мукофоти суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлаши керак.

• Мажбурий сугурта шартномаси бўйича сугурта мукофоти тўлаш чоғида 50 фоизлик чегирмага эга бўлган сугурта қилдирувчилар рўйхатида энди ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва текширув йиғинларига қаққилган ҳарбий хизматга мажбурлар, Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган бошқа мамлакатларда вақтинча турган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибда хизматни ўтаганлар киритилган.

• Тузатишларга кўра, мажбурий сугурта шартномаси бўйича сугурта тўлови **ноқонуний йўл билан транспорт воситасини эгаллаган шахс томонидан транспорт воситасидан фойдаланиш натижасида зарар етказилиши** оқибатида тўланиши мумкин бўлмаган тақдирда компенсация тўлови жабрланувчининг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига Жамғармадан тўланади. Мазкур ҳолда жабрланувчи ёки унинг меросхўрлари (агар жабрланувчининг аҳоли мустақил равишда мурожаат этиш имконини бермаса, қариндошлари ёки бошқа вакиллари) ёхуд ҳуқуқий ворислари зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда Жамғармага компенсация тўловларини амалга ошириш тўғрисида ёзма равишда мурожаат қиладилар.

• Жамғарма ҳам, сугурта қилдирувчилар сингари, энди тегишли сўров бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан, судлардан, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотларидан ва бошқа ташкилотлардан сугурта товони миқдорини аниқлаш мақсадида сугурта ҳодисасининг содир бўлиш сабаблари ва ҳолатлари ҳамда етказилган зарар тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва хулосаларни олишга ҳақлидир.

Ушбу ўзгартиришлар Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қоидаларига³ киритилган.

Шарҳларни «Ногта» МЧЖ юрисконсульти Абдурахмон БАХТИЕВ тайёрлади.

¹ВМнинг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарорига 1-илова.

²ВМнинг 2008 йил 24 ноябрдаги 141-сон қарорига 1-илова.

³ВМнинг 2008 йил 24 ноябрдаги 141-сон қарорига 4-илова.

ИССИҚЛИК ҲИСОБ-КИТОБИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бир-лашмаси» унитар корхонаси сизларга газетангиз ўқувчиларининг саволларига мутахассисларимиз тайёрлаган жавобларни юборади.



Муассасамиз иссиқ сув ҳисоблагичларини сотиб олиб, «Ўзстандарт»дан мувофиқлик сертификатини олгач, пломба-лаш учун «Тошиссиққуввати»

ИЧБ УК вакилини таклиф этган ҳолда ушбу ҳисоблагичларни ўрнатиш ҳуқуқига эгами?

«Stomatologik yordam» МЧЖ директори.

– Кўп квартиралар уйга ёндош қилиб қурилган нотурар жойда иссиқ сувни ҳисоблаш асбобларини ўрнатиш учун лицензияга эга ихтисослашган лойиҳа ташкилотидан (масалан, «Ташгипрогор» ОАЖда) лойиҳага буюртма бериш ва уни иссиқлик таъминоти ташкилоти – «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК билан келишиб олиш лозим. **Лойиҳа келишилганидан кейин асбоб монтаж қилинади ва у «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК вакили томонидан пломбланади (асбобни юридик шахснинг ёки иссиқлик таъминоти ташкилотининг кучи билан монтаж қилиш мумкин).** Асбобни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси тузилиб, уни «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК метрология хизмати имзолайди. У имзоланган пайтдан бошлаб ўзаро ҳисоб-китоб «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга бўлган асбоблар бўйича амалга оширилади.

Хоналарни иситиш учун иссиқлик қуввати сарфини ҳисобга олиш асбобларига келсак, **уйни иситиш тизими ягона муҳандислик конструкцияси сифатида бажарилган. Шу сабабли кўп квартиралар уйнинг алоҳида хоналарини иситишга сарфланган иссиқлик қуввати сарфини ҳисобга олиш асбобини ўрнатиш техник жиҳатдан мумкин эмас.** Асбоб умуман уйнинг иссиқлик қуввати сарфини ҳисобга олиш учун унга кириш жойида ўрнатилади.

Иссиқ сув тарзидаги иссиқлик қувватидан фойдаланиш шартномасини тузишда иситиш ва иссиқ сув таъминотига босимлар ҳисобланади, улар асосида иссиқлик таъминоти ташкилоти билан ўзаро ҳисоб-китоблар қилинади.

Иситиш иссиқлик босимининг миқдори келтирилган Кўп квартиралар уйларга ёндош қилиб қурилган нотурар жойларга иситиш иссиқлик босими ҳисоб-китобининг услубиятига (Тошкент шаҳар ҳокимлигининг *худудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси томонидан тасдиқланган*) мувофиқ белгиланади.

Иссиқ сув таъминотига (**тахр. изохи – тиббий муассасалар учун**) иссиқлик босимининг миқдори қуйидаги формула бўйича «Ички водопровод ва канализация» КМК 2.04.01-98га мувофиқ истеъмол меъёрлари бўйича ҳисоб-китоб қилинади:

$$Q_{\text{ист}} = \frac{1,3 \times n \times m \times (t_{\text{ист}} - t_{\text{с.с.}})}{24 \times 10^6}$$

бу ерда:

1,3 – тузатиш коэффициенти;

n – суткада энг кўп сув истеъмолининг меъёрий истеъмоли (1 беморга суткада 6 литр);

m – сменада беморлар сони;

$t_{\text{ист}}$ – иссиқ сув ҳарорати – 55°C;

$t_{\text{с.с.}}$ – совуқ сув ҳарорати – 5°C.

Кўп квартиралар уйларга ёндош қилиб қурилган нотурар жойлардаги иситиш ва иссиқ сув таъминотига босимлар иссиқ сув таъминоти ташкилоти томонидан ҳисоб-китоб қилинади. Иссиқ сув таъминотига босим миқдорининг ҳисоб-китобини юридик шахс лицензияга эга лойиҳа ташкилотига буюртириши мумкин. Иситиш босими миқдори қуйида кўрсатилган Услубиятга оғишмай риоя этган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

КўП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРГА ЁНДОШ ҚИЛИБ ҚУРИЛГАН НОТУРАР ЖОЙЛАРГА ИСИТИШ ИССИҚЛИК БОСИМИ ҲИСОБ-КИТОБИНИНГ УСЛУБИЯТИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Кўп квартиралар уйларга ёндош қилиб қурилган жойлар (шу жумладан нотурар жой фондига ўтказилган квартиралар) иситиш босимининг объектив миқдори белгилаш мақсадида уй-жойнинг лойиҳадаги иситиш босимини уй-жойнинг умумий майдонига ва ёндош қилиб қурилган жойнинг умумий майдонига мутаносиб равишда тақсимлаш йўли билан ҳисоб-китоб қилиниши керак.

1.2. Мазкур Услубият кўп квартиралар уйларга ёндош қилиб қурилган нотурар жойларга тааллуқлидир (ертўла хоналари ва иситилиши уй-жой иссиқлик таъминоти лойиҳасида назарда тутилмаган қўшимча бинолардан ташқари).

2. ЁНДОШ ҚИЛИБ ҚУРИЛГАН ХОНАЛАРНИ ИСИТИШГА ИССИҚЛИК БОСИМИ ҲИСОБ-КИТОБИНИНГ ТАРТИБИ

Нисбат тузилади:

$$\frac{Q_{\text{ёнд.хона исит.}}}{Qt/б исит.} = \frac{S_{\text{ёнд.хона умум.}}}{St/б умум.}, \text{ бунда}$$

$$Q_{\text{ёнд.хона исит.}} = \frac{Qt/б исит.}{St/б умум.} \times S_{\text{ёнд.хона умум.}}$$

бу ерда Qt/б исит. – уйнинг иссиқлик таъминоти лойиҳаси бўйича уйни иситишга иссиқлик босими (Гкал/соат);

St/б умум – ХУМШ маълумотлари бўйича уйнинг умумий майдони (м²);

S_{ёнд.хона умум.} – ушбу хоналарга мулк ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатда (туман ҳокими қарори, олди-сотди шартномаси ва ҳоказо) кўрсатилган, ёндош қилиб қурилган нотурар жойнинг умумий майдони (м²);

Q_{ёнд.хона исит.} – ёндош қилиб қурилган хоналарни эгаллаган майдонига мувофиқ иситишга иссиқлик босими (Гкал/соат).



Биз «Ўзпахтамаш» ОАЖ 2-ётоқхонасида турамиз, бизга қуйидаги масала юзасидан маслаҳат беришингизни сўраймиз. 2010


йил 1 октябрдан бошлаб завод ётоқхонада яшаш учун нархни 5 та койкаси бўлган 2 хона учун ойига қарийб 105 000 сўм қилиб белгилади, бунинг салкам 49 000 сўми – фойдаланиш харажатларини қоплар экан. Бу кўп эмасми?

Материалларингиздан бирида душхоналари билан иссиқ сув учун, агар ҳисоблагич бўлмаса, кишидан салкам 3 000 сўм олинади деб ўқиган эдим. Бизда эса иссиқ сув учун кишидан қарийб 4 400 сўм ушланади. Қайси бири тўғри?

Бизга 2010 йил 25 октябрда имзоланган, яшаш ҳақини ошириш тўғрисидаги буйруқни кўрсатишди, унда яшаш учун ҳақ 2010 йил 1 октябрдан оширилади деб кўрсатилган. Бу қонунийми?

Б.Мирҳайдаров.

– Сизнинг ётоқхонангиз «Ўзпахтамаш» ОАЖ балансида бўлиб, идоравий уй-жой ҳисоб-



ланади. У «Ўзпахтамаш» ОАЖнинг иссиқ сув кўринишидаги иссиқлик қувватидан фойдаланиш шартномаси (2010 йил 23 июндаги 3-2065-сон) дислокациясига қиради.

Иситиш ва иссиқ сув таъминоти эҳтиёжларига иссиқлик қувватидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб объектлар ва босимларнинг дислокация маълумотномасида кўрсатилган шартномавий босимлар бўйича шартномага асосан амалга оширилади. Мазкур ётоқхона бўйича босимлар: иситишга – 0,2215 Гкал/соат, иссиқ сув таъминотига – 0,0748 Гкал/соатни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикасининг шаҳар ва аҳоли пунктларида турар жойларни таъминлаш, таъмирлаш ва коммунал хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш тўғрисида низом¹ 1-бобининг 7-бандига мувофиқ: «Идоравий уй-жой фондида коммунал хизматлар учун ҳақни ижарага берувчи коммунал хизматлар истеъмолининг амалдаги меъёрларини ҳисобга олган ҳолда ижара шартномасига ёки яқка тартибдаги ҳисоблагичлар (газ, электр қуввати, иссиқ ва совуқ сув учун) кўрсаткичларига асосан аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ундиради. Турар жойларни ижарага берувчилар ҳақни бевосита коммунал хизматлар етказиб берувчиларига тўлайдилар».

Етказиб берилган иссиқлик қуввати учун «Ўзпахтамаш» ОАЖ ҳақни иссиқлик таъминоти корхонасига Тошкент шаҳар ҳокимлигининг шаҳар молия бошқармаси юридик шахслар учун тасдиқлаган тариф бўйича тўлайди, бу тариф ҳозирги пайтда 1 Гкал учун 29 432,40 сўми (ҚҚС билан бирга) ташкил қилади.

Тошкент шаҳри аҳолиси учун тарифлар 2011 йил 1 апрелдан бошлаб қуйидагича: марказий иситиш – 436,27 сўм/м²/ойига (турар жой майдони); иссиқ сув таъминоти: ҳисоблаш асбоблари бўлмаса – 5 450,00 сўм/киши/ойига;

умумий душхоналарга эга бўлган ётоқхоналарда яшовчилар учун – 4 061,47 сўм/киши/ойига; ҳисоблаш асбоблари бўлганда – 1 398,04 сўм (иссиқ сув истеъмолининг 1 м³ учун). Шу ўринда «Ўзпахтамаш» ОАЖнинг 2011 йил 1 май ҳолатига қўра 22 571 374,43 сўмлик қарзи борлигини эслатиб ўтамиз.

Ётоқхоналарда яшаш қиймати тааллуқли бошқа масалалар бўйича «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК маълумотларга эга эмас.

А.НУРМУҲАМЕДОВ,
«Тошиссиққуввати» ИЧБ УК
бош директори.

¹«Ўзкоммунахизмат» агентлиги бош директорининг АВ томонидан 2002 йил 13 сентябрда 1173-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

Фойдали тажриба

УЙ-ЖОЙГА МУЛҚДОРЛИК САБОҚЛАРИ

Россия мактабларида ўқувчиларга ўз уйи ёки квартирасининг омилкор соҳиби бўлиш илми ўргатилмоқда. Бир қанча шаҳарларда мулк объектларини билимдонлик билан бошқариш сабоқлари бўлиб ўтди. Жумладан, Самарада аҳолининг турмуш маданиятини юксалтиришга қарор қилдилар. Бунинг учун туркум маърифий тадбирлар тайёрланди, булар орасида ўрта ўқув юрларида маърифий ялпи саводхонлик ҳам бор. Бу ердаги мактабларнинг 8–9-синфларида ўқувчилар учун «Биз ва ўзимиз яшайдиган уй» мавзусида сабоқлар бўлиб ўтди.

Мутахассислар ва экспертлар шаҳардаги уй-жой ва коммунал хўжалигининг ривожланиш тарихи, ҳозирги ҳолати ҳақида, кўп квартиралар уйларни бошқариш хусусида

гапириб бердилар. Бундай дарслар вақтида ўқувчилар «уй-жой мулкдори», «квартира ижарачиси», «умумий мол-мулк» сингари тушунчаларнинг туб маъносини англаб олдилар, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, уй-жойни бошқариш нима эканлигини билиб олдилар. Тадбир ташкилотчилари – «Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ресурс маркази» мутахассислари ўқувчиларни уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий база билан таништиришга ҳаракат қилдилар.

Дарслар суҳбат тарзида, слайдларни намойиш этган ҳолда олиб борилди. Ўрганилаётган материалларни ўқувчиларга қизиқарли қилиб етказишга ҳаракат қилиш-



ди. Ана шу иш ташаббускорлари уйдаги умумий мол-мулкни ўқув билан бошқаришдаги саводхонликни бошқа таянч билимлар сингари жуда зарур деб ҳисобламоқдалар, улар ўқувчиларга ахборот беришнинг бундай шакли амалийлик касб этади деб умид қилмоқдалар. Болалар ўз уйларига қайтгач, ота-оналарига уй-жой ва коммунал хўжалиги сабоқлари ҳақида тўлқинланиб гапириб берар эканлар, айна вақтда уларнинг эътиборини кўп квартиралар уйни бошқариш муаммоларига ҳам қаратишлари турган гап.

ШИРКАТЛАР УЧУН ЯРМАРКА

Россиянинг бир қанча шаҳарларида УЖМШ учун хизматларнинг ярмаркаси мунтазам равишда ўтказилмоқда. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари, кўп квартиралар турар жой фондини ривожлантириш билан боғлиқ бошқа ташкилотлар бундай тадбирларни ўтказишда ташаббускор бўлмоқдалар.

Ярмаркалар уй-жой-коммунал соҳада бозор муносабатларини ривожлантириш мақсадида ўтказилмоқда. Уй-жой хизматларини сотиш-сотиб олиш йўналишидаги инновацион модель деб қаралаётган ярмаркаларда ягона ҳудуд бўйича шундай хизматлар кўрсатувчилар билан истеъмолчилар учрашдилар. Шу аснода ширкатлар ва уй-жой-қурилиш кооперативларига турли соҳа хизматлари кўрсатишдан манфаатдор фирмаларнинг тақдимоти, кўп квартиралар уйни бошқариш билан боғлиқ масалалар юзасидан ширкатлар учун сабоқ бўлувчи тадбирлар ўтказилмоқда.


Интернет тармоғи
материаллари асосида.

ПЕНСИЯГА ЧИҚМАСЛИККА ҲАҚЛИМАН

? **Ходимамиз 54 ёшда, бироқ пенсияга чиқишни хоҳламапти. Ўзимиз ҳам у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни ис- тамаймиз. Аксинча, пенсия тўловларида йўқотиш бўлмаслиги учун унга барча ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштиришда ёрдам беришга тайёрмиз. Бундан ташқари, ходимларга пенсия тайинлаш учун ҳужжатларни тайёрлаш билан уларнинг иш жойида шуғулланишлари кераклигидан хабардормиз. У пенсияга чиқаётганида ходим билан корхона маъмуриятининг ўзаро муносабатлари қандай тартибда юритилади?**

Бухгалтер.

– «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг (1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон, бундан кейин – Қонун) 7-моддасига мувофиқ аёллар учун пенсия ёши 55 ни ташкил қилади. Уни камайтириш ҳуқуқи имтиёз бўлиб, мурожаат қилган киши ундан фойдаланиши мумкин, бироқ у мажбурият эмас. 54 ёш – имтиёзли ёш, шу ёшга тўлган аёллар Қонуннинг 12-1-моддасига кўра пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгалар. Бироқ хоҳишга қараб улар пенсияга чиқмасликлари ва меҳнат фаолиятини яна 1 йил давом эттиришлари мумкин, буйил пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун меҳнат стажига киритилади.



¹2010 йил 22 декабрдаги ЎРҚ-272-сон Қонун.

²МВ, ИИВ, Мудофаа вазирлиги, ФВВ, МХХ ва ДБҚнинг АВ томонидан 2011 йил 30 апрелда 2222-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

³Уруш ногиронларига ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар доираси ВМнинг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорининг 2 ва 3-иловаларида белгиланган.

⁴Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган фуқаролар доираси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги 170-сон қарорида белгиланган.

Уни олиш ҳуқуқи пайдо бўлганидан кейин бирор-бир муддат билан чекланмай исталган вақтда ихтиёрий тартибда пенсия тайинлашларини сўраб мурожаат қилиш мумкин. Ёшга доир пенсия тайинлаш учун мурожаат қилиш бундан мустасно, бунда пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлишига қадар, бироқ кўпи билан бир ой олдин мурожаат қилиш мумкин. Ишлайдиган фуқаролар аризани иш жойидаги корхона маъмурияти орқали топширадилар. **Маъмурият ариза тушган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида стаж ва иш ҳақи тўғрисидаги зарур ҳужжатларни расмийлаштиради ҳамда уларни берилган ариза ва ўз тақдимномаси билан бирга аризачи истиқомат қиладиган жойдаги Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига юборади.** Агар унга доир ҳуқуқ пайдо бўлган кундан бошлаб 3 ойдан кечиктирмай пенсия тайинлашлари учун мурожаат қилинган бўлса, пенсия ёшига етилган кундан бошлаб ёшга доир пенсия тайинланади ва тўланади. Агар мурожаат кейинроқ қилинган бўлса, пенсия у тайинланган кундан бошлаб тўланади.

МИСОЛ. Ходима 2011 йил 31 январда 55 ёшга тўлди. Агар у аризани 2011 йил 8 апрелгача топширса, корхона барча зарур ҳужжатларни расмийлаштирса ва уларни Пенсия жамғармаси бўлимига 10 кун мобайнида, яъни апрель охиригача юборса, пенсия тайинлаш санаси (демак, уни тўлаш санаси ҳам) 31 январь деб ҳисобланади. Агар ходима аризасини, айтайлик, 2011 йил 2 майда топширса, пенсия тайинланган кундан бошлаб тўланади: маъмуриятга зарур ҳужжатларни расмийлаштириш ва уларни Пенсия жамғармаси бўлимига жўнатиш учун 10 кун берилган. Бўлим ҳужжатларни кўриб чиқиши учун ҳам 10 кун берилган. Пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарор 20 майдан кечиктирмай қабул қилиниши керак – уни тўлаш ҳам ушбу санадан бошланади. Яъни ходима аризани ўз вақтида топширганда пенсия олиши мумкин бўлган 3 ойу 20 кунни йўқотади.

ИШ СТАЖИГА КИРМАЙДИ

? **Техникумни тугатишим билан фарзанд кўрган эдим. Болам икки ёшга тўлганидан кейин ишга жойлашдим. Ҳозирги вақтда пенсия тайинлашлари учун ҳужжатлар тўплайман. Болани парваришлаганга кетган вақт меҳнат стажимга киритилдими?**

Бўлажак пенсионер.

– **Йўқ, киритилмайди.** 2010 йил охирида «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун¹ 37-моддасининг «ж» бандига ўзгартишлар киритилди, уларга кўра



иш стажига бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил кўшиб ҳисобланади. Яъни аёл иш беврувчи билан меҳнат муносабатларида бўлганлиги далили аҳамият касб этади.

Илгари, ушбу меъёрга ўзгартишлар киритилишига қадар, стажга онанинг болаларни парвариш қилиш вақти, у ишлаганлиги ёки ишламаганлигидан қатъи назар, киритиларди.

ИККИ ОЙСИЗ

? **Биз пенсионер аёлни 1 ой ишлашга таклиф қилмоқчимиз. Иш унинг пенсияси миқдори- га таъсир қиладими?**

Бухгалтер.

– **Ҳа, таъсир қилади.** Янги Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга² кўра, **ишловчи пенсионерларга пенсия, меҳнат фаолияти муддатидан қатъи назар, унинг 50%и миқдорда тўланади.** Илгари агар у йил мобайнида 2 ой ишлаган бўлса, ишловчи пенсионерга тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқини берадиган имтиёз мавжуд эди. Бироқ 2222-сон Низом буни назарда тутмайди.

Ишловчи пенсионерларнинг пенсия тўлиқ миқдорда тўланидиган имтиёзли рўйхати мавжуд. Унга куйидагилар ки- ради:

- Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари, қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар³;
- Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий хизматни ўтаган ёки фронт орқасида ишлаган шахслар;
- I ва II гуруҳ ногиронлари;
- Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган фуқаролар⁴;
- Фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг раислари;
- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи пенсионер аёллар – ёшга доир пенсияни олганда.

Мария ТУХТАРОВА,
«Norma» МЧЖ юрисконсульти.

Хорижда

«КАФОЛАТЛАНГАН ИШ ҲАҚИ»

Украина ҳукумати меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига «ка- фолатланган иш ҳақи» деган янги атамани жорий этиш ниятида. Бош вазир ўринбосари ва ижтимоий сиёсат вазири Сергей Тигипко шуни маълум қилди. Ходим малакаси даражаларининг

8 тоифаси жорий этилади. Биринчи тоифада ка- фолатланган иш ҳақи энг кам иш ҳақиға тенг бўлади, иккинчи тоифада – ундан кўпроқ, учинчи тоифада – янада кўпроқ бўлади. Янгиликнинг киритилиши турли корхоналарнинг раҳбарлари ўзларига энг кам иш ҳақларини ёзиб олмасликлари учун

зарур. Украинада ҳар йили 145 миллиард гривна (18,2 миллиард доллар) «конвертларда» тўланади, меҳнатга ҳақ тўлашнинг расмий фонди эса 346 миллиард гривнани ташкил қилади. «Хуфи- ёна» иш ҳақи бизнесменларга фойдали, шунда улар бюджетга иш ҳақи суммасининг 41,5 фоизи ажратишдан қутулдилар.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Молия вазирлиги вакиллари билан учрашувда Молдавия касаба уюшмалари баъзи қонун ҳужжатларига бир қатор таклифлар ва кўшимчалар киритилиши таклифи билан чиқдилар. Уларнинг фикрича, иш ҳақи ва пенсиянинг энг кам миқдорларини, шунингдек жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи бўйича имтиёзларни белгиладиган турмуш кечириш минимуми тўғри-



сида қонун қабул қилиниши го- ятда муҳим- дир.

Касаба уюш- малари корхона- ларнинг харажат- ларини зарарли шароитларда ишлаб ўз сало-

матликларини йўқотадиган, бунинг эвазига ҳеч нарса олмайдиган ходимлар ҳисобига «мақбуллаштиришга» норозиликларини изҳор қилдилар.

Нархлар тўғрисида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳам муҳим- дир. Унда коммунал хизматлар қийматининг оила даромадига боғ- ликлиги мутаносиблаштирилиб, у иш ҳақининг 20-30 фоизидан ош- маслиги кераклиги белгилаб қўйилиши зарур.

Касаба уюшмалари ягона ижтимоий солиқни жорий этишга қарши чиқяптилар, чунки бу бюджетга тушумларга бевосита таъсир қила- ди, ресурсларни бошқаришни янада қийинлаштиради ва давлат маб- лағларидан фойдаланишнинг транспарентлигини ёмонлаштиради. Бун- дан ташқари, Давлат ижтимоий суғуртасининг бюджети тўғрисида- ги қонунда янги иш жойларини барпо этадиган иқтисодий агентлар учун давлат ижтимоий суғуртаси ставкасини пасайтиришни назар- да тутадиган бандни тиклаш таклиф қилинапти.

Хорижий матбуот материалларидан.

ОНАГА НАФАҚА ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ?



Тузатиш

«СБХ»нинг 2011 йил 16 июндаги 25-сони 14-са- ҳифасидаги «Онага нафақа қандай ҳисобланади?» сар- лавҳали тушунтиришнинг 2- банди 2-хатбоши куйидагича ўқилсин:

«Адлия вазирлиги томо- нидан 2002 йил 8 майда 1136-сон билан рўйхатга олинган Низомнинг 48-бан- дига асосан ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа иш ҳақининг 100 фоизи миқдо- рида берилади».

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ ЙЎҚОЛСА...



Фирма меҳнат дафтарчаси йўқолган ходимни ишга қабул қилди. Аввалги иш жойидан у ишга қабул қилинганлиги ва ўз хоҳишига кўра ишдан бўшатирилганлиги тўғрисида маълумотномалар тақдим этди. Маълумотномаларда фирма раҳбариятининг муҳри ва имзоси бор. Ходимга меҳнат дафтарчасининг дубликати қандай расмийлаштирилади?

Бухгалтер.

– Вақтинча ишламаётган, меҳнат дафтарчасини йўқотган киши унинг йўқолганлиги тўғрисида дарҳол охириги иш жойига ёзма равишда ариза ёзиши шарт. Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг (АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – Йўриқнома) 4.2-бандига биноан хабарнома олганидан сўнг 15 кундан кечиктирмасдан охириги иш берувчи ходимга биринчи бети юқори қисмининг ўнг томонига «Дубликат» деб ёзилган холда янги меҳнат дафтарчасини беради.



Меҳнат дафтарчаси дубликатига дубликат берадиган иш берувчига ишга киришига қадар умумий иш стажи тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Меҳнат стажини тасдиқлаш учун маълумотномалар, буйруқлардан кўчирмалар, иш ҳақи бериш бўйича шахсий счётлар ва қайдномалар, бажарилганлиги қайд этилган ёзма меҳнат шартномалари (контрактлар) ва иш даврлари тўғрисида маълумотлар бўлган бошқа ҳужжатлар қабул қилинади¹. Агар ушбу ҳужжатлар билан, масалан, ташкилот тугатилганлиги туфайли меҳнат стажини тасдиқлаб бўлмаёса, шунингдек иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган холда, стаж бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш даври тўғрисидаги маълумотномалар бўйича белгиланади.

Меҳнат дафтарчаси дубликати Йўриқнома

¹Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида низомнинг 4-банди (ВМнинг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига 12-илова).

қридаларига биноан тўлдирилади. Унинг «Иши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимига илгари чиқарилган буйруқлар асосида охириги иш жойи бўйича иш тўғрисида ёзувлар қайд этилади. 3-устунда аввало мазкур корхонага ишга келмасдан илгариги ишлагани тўғрисидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган умумий иш стажи ёзилади. Меҳнат дафтарчаси эгасининг олдинги умумий иш стажи жамланиб, яъни қайси корхонада, қайси даврда ва қайси лавозимларда ишлаган йиллари, ойлари ва кунлари умумий тарзда ёзилади.

Лозим даражада расмийлаштирилган ҳужжатлар билан тасдиқланган, меҳнат дафтарчасини тиклайдиган корхонадаги иш стажи ишнинг айрим даврлари бўйича қуйидаги тартибда ёзилади: 2-устунда ишга қабул қилинган сана кўрсатилади; 3-устунда ходим ишлаган корхона номи, цех ва мансаби ёзилади.

Сўнг меҳнат шартномаси бекор қилинган-

лиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. 4-устунда дубликатга ёзув киритилиши учун асос бўлган ҳужжатнинг номи, рақами ва санаси киритилади. Иш берувчи ходимга мазкур корхонага кирмасдан олдинги иш стажини тасдиқловчи ҳужжатларни олишда ёрдам кўрсатишга мажбур (Йўриқнома 4.4-бандининг саккизинчи хатбошиси). Улардан нусха кўчиргач, иш берувчи асл нусхаларини уларнинг эгасига қайтариши шарт.

Йўриқноманинг 5.1-бандига мувофиқ дубликат беришда иш берувчи ходимдан энг кам иш ҳақининг 10 фоизига тенг тўлов олади. Меҳнат дафтарчаси дубликатини берганидан кейин иш берувчи Меҳнат дафтарчаларини ҳисобга олиш дафтарига тегишли белги қўйиши керак.

Меҳнат дафтарчаси дубликатини олган шахс уни янги иш жойига тақдим этади.

АГАР МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИНИ ИШ БЕРУВЧИ ЙЎҚОТСА

Меҳнат кодекси (МК) ва Йўриқномага мувофиқ меҳнат дафтарчаларини юритиш ва сақлаш учун иш берувчи жавобгардир. МКнинг 188-моддасига кўра, ходим меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилган барча ҳолларда ололмай қолган иш ҳақини иш берувчи унга тўлаши шарт. Меҳнат дафтарчаси дубликатини беришни 15 кундан кўп вақт асосиз равишда тўхтатиб туришда ҳам ана шундай мажбурий юзага келади.

Ходим меҳнат дафтарчаси ишдан бўшаётганда унга берилган тақдирдагина иш берувчида бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли меҳнат дафтарчасини бошқа асосларга кўра, ҳатто тилхат олиб берганда ҳам, унинг йўқолганлиги учун жавобгарлик иш берувчининг зиммасида бўлади. Агар ташкилотда раҳбар буйруғи билан меҳнат дафтарчалари ҳисобини юритиш, уларни бериш ва сақлаш билан шуғулланиш ваколати берилган масъул шахс бўлса, у жавобгар бўлади. Агар, бундай шахс тайинланмаган бўлса, ташкилот раҳбарининг ўзи жавобгар бўлади.

Жавобларни «Норма» МЧЖ юрисконсулти Мария ТУХТАРОВА тайёрлади.

Нотариус минбари

НОҚОБИЛ ФАРЗАНД ВА МЕРОС МАСАЛАСИ

Одатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳақида гап кетганда нотариат эсланмайди. Ҳолбуки, фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишда нотариатнинг ўзига хос салмоқли ўрни бор. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг аксарияти ўз фаолиятларида кўпроқ фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш билан шуғуллансалар, нотариуслар ҳуқуқ бузилишининг олдини олишга, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мулкий ҳамда шахсий ҳуқуқларини ўзига хос усуллар билан ҳимоялашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасига кўра, нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир. Нотариусга, шу жумладан низосиз ҳуқуқлар ва фактларни тасдиқлаш, шаҳодатлаш ва келажакда фуқаролик ҳуқуқлари бузилиши эҳтимолининг олдини олиш мақсадида бу ҳуқуқларни қонунда белгиланган тартиб ва шаклда ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлаш билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни бажариш вазифаси юклатилган.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар нотариуслар томонидан ҳуқуқий жиҳатдан юксак савияда расмийлаштирилса, фуқаролар ёки юридик шахслар ўртасида низолар келиб чиқилишининг олди олинади ва бу борадаги ишлар судларда анча камаёди ёки бу тоифадаги ишлар судда кўрилганида ҳам нотариус томонидан амалдаги қонунчиликка асосан тасдиқланган ҳужжат ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Кунларнинг бирида ёши тахминан олтимишларни қоралаган, юзлари ҳорғин кайфиятдаги киши нотариал идорага кириб келиб:

– Ўғлим, бу нотариус идорасими? – деб сўраб қолди.

– Ҳа, отахон, марҳамат, келинг, ўтиринг, –

деб унга жой кўрсатиб, бир пиёла чой узатганимдан кейин гап бошлади:

– Ўғлим, мен шу туманда яшайман, исми Бўтабой Файзиёв. Етти нафар фарзандим бор. Хотиним бундан беш йил бурун вафот этди. Қизларимни турмушга чиқариб, ўғилларимни уйли-жойли қилганман. Энг кичик ўғлим мен билан бирга яшайди, ҳеч қаерда ишламайди, менинг пенсиямга кун кўради. Бундан икки йилча бурун ўзига келиб қолар, ерларимдан унумли фойдаланиб, мендан кейин уйимнинг чироғини ёқар, деган мақсадда уй-жойларимни ва барча мол-мулкимни унга васият қилган эдим. Ҳозирги кунга келиб, у на уй-жойга қаради, на ерга, мени ҳам қийнаб, қўлимдан васиятномани олди-да, «бўлди, пахан, сизга жавоб, уй-ҳовли энди меники» деб ичиб келиб жанжал чиқарди, мени эса кўчага ҳайдади. Шу туфайли ўғлим, менга ёрдамнингиз керак, мен адашган эканман, – деб отахон кўзига ёш олди.

Шунда отахондан сўрадим:

– Уй-жойларингизни кимга қолдирмоқчисиз?

– Бунинг энди яна иложи борми, агар бўлса, унда ўғлимнинг ўғли, яъни набирам Дилшоджонга васият қилмоқчиман, – деди.

Шундан сўнг отахоннинг илтимосига кўра бундан икки йил аввал расмийлаштирилган васиятнома нотариал идоранинг архивидан олинди, у кишининг аризасига асосан васиятнома бекор қилинди ва янгидан отахоннинг набирасига васиятнома расмийлаштирилди.

Васиятнома деганда, фуқаронинг ўзига тегишли бўлган шахсий ва хусусий мулкни, мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзи вафот этганидан сўнг тасарруф этиш бўйича хоҳиш-иродасини эркин тарзда ифода этишга қаратилган фармойиши тушунилади.

Отахонга Ўзбекистон Республикаси Фу-



Хурматли таҳририят, бир масалада ёрдам берсангиз. Бизнинг фирмамизга 2011 йил 2 майда икки нафар ходим ишга қабул қилинди. Фирма Бандликка кўмаклашиш марказига уларга меҳнат дафтарчалари бериш илтимоси билан 18 майда мурожаат қилди. 26 майда улар ушбу санадаги юкхат билан олинди. Шу муносабат билан менда савол туғилди: меҳнат дафтарчаларини очиб муудатлари бузилмадимми, зеро қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат дафтарчаси ишга тушгандан кейин 5 кун ўтгач очилиши керак. Агар бу ҳуқуқбузарлик ҳисобланса, қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

Э.Маҳамов.

МУДДАТ БЕЛГИЛАНМАГАН

– МК 81-моддасининг иккинчи қисмига кўра, иш берувчи корхонада 5 кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно. Йўриқноманинг 1-бандига биноан меҳнат дафтарчаси 5 кундан ортиқ ишлаган ходимларга юритилади. Шу тариқа, ушбу иккала ҳужжат иш берувчи меҳнат дафтарчаларини тутиши шарт бўлган ходимларнинг иш вақти давринигина белгилайди. Ташкилот меҳнат органларига мурожаат қилиши керак бўлган муддат ҳам, меҳнат органлари ташкилотга меҳнат дафтарчалари бланкаларини бериши керак бўлган муддат ҳам қонун ҳужжатларида белгиланмаган. Шу муносабат билан қонун ҳужжатларига мурожаат қилиш ва меҳнат дафтарчаларини бериш муддатларини белгилайдиган ўзгаришларни киритиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирча улар белгиланмаган экан, ҳуқуқ зарлик содир этгансиз деб бўлмайди.




қаролик кодексининг 1127-моддасига асосан васиятномани бекор қилиш ва ўзгартириш ҳамда 1142-моддасига асосан меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлганлар ҳақида тушунтириш бердим. Шунингдек, отахоннинг саводи йўқлиги, фақатгина имзо кўя олиши, фамилияси, исми, отасининг исмини ёза олмаслиги сабабли ушбу васиятнома холис иштирокида имзоланиб, васиятномани имзолаган, холислик қилган шахсга қонунда васиятноманинг сир сақланиши назарда тутилганлиги, мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмуни, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмаслиги, мазкур талабни бажармаслик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келиши мумкинлиги тушунтирилди.

Шундан сўнг отахон васият қилувчининг шундай ҳуқуқлари борлиги, у қонун билан ҳимоя қилинганлиги, қонунларимиз нақадар мустаҳкам асослаб яратилганлигига чексиз ҳурматини билдириб, нотариал идорадан чиқиб кетди.

Ҳар бир фуқаро ўзининг мулк ва мерос масалаларида қалб тўридаги сирлари билан нотариусга мурожаат этиши мумкин. Нотариус ҳаммининг дардини эшитиши лозим, лекин бирортасини ошкор қилиши мумкин эмас. Қонун талаби ҳам шундай.

Алишер БАҲРОМОВ,
Олот туман давлат нотариал идорасининг нотариуси.



Криминалист экспертнинг ён дафтарида

ФИРИБ АҲЛИ ХОМТАМА БЎЛМАСИН

Ўз вақтида шайтонга дарс беради деб қараладиганларнинг қилмишлари масаласида эндиликда мутахассис экспертларимиз ДНКга қараб тезгина ойдинлик киритмоқдалар.

Ўтган асрда ўрта мактаб биология дарсларида дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) деган нарса ҳақида ниманидир ўрганган, ўқиганмиз, албатта. Аммо ана шу нарса (ДНК) ёрдамида ҳадемай одамнинг қони, туфуги, манийсингари ажралмалардан, шунингдек соч толаси ва суяк қолдиқларига қараб одам шахсини идентификация қилиш имконини берадиган ноёб услубият ишлаб чиқиши етти ухлаб тушимизга кирмаган эди. Авваллари ДНК бўйича қон гуруҳини аниқлаш мумкин эди. Бошқача қилиб айтганда, текшириладиган шахсининг қони билан топилган қон излари бир гуруҳга мансуб бўлса, қон излари ана шу шахсга мансуб деган хулоса чиқарса бўларди. Аммо бу қон изи қони шу гуруҳга мансуб бошқа одамларга ҳам тегишли эканлиги ҳақида бир тўхтамга келиш мумкинлигини ҳам эътиборга олмадик керак. Ҳар бир одам ДНК таркибий тузилмаси бетақорролигига асосланган мураккаб молекуляр-генетик усулларни қўлланиш топилган қон ва бошқа ажралмалар изи муайян шахсга тегишли эканлиги хусусида узил-кесил жавоб бериш имконини таъминлади.

Суд биологияси вазибаларини ҳал этиш учун 2000 йили Марказимизда Марказий Осиеда биринчи ҳисобланган инсон биологик изларининг генетик экспертизаси лабораторияси ташкил этилди. Бу ерда энг илғор технология асосида биттагина биологик изга қараб шахсни идентификация қилиш амалга оширилмоқда.

Оддий дактилоскопиядан фарқли равишда геном асосидаги идентификация қилиш одамнинг шахсинигина эмас, балки биологик қон-қардошлигини ҳам идентификация қилиш масалаларини ҳал этиб беради. Бу ҳол кўпгина мураккаб жиноятларни очиш ҳамда оилавий низоларни ҳал этиш учун муҳим омиллар ва фактларни аниқлаш имконини беради. Ана шу йўналишдаги тадқиқотларнинг аксарияти ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайдиган фактни қатъиян қайд этиш билан якун топади.

ДНК таҳлили технологиясидан фойдаланиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жаҳон миқёсидаги тажрибасини инобатга олиб, 2001 йилдан эътиборан Марказимизда Илгари маҳкумлиқда бўлган шахсларнинг генетик паспортлари маълумотлари миллий банкини яратиш юзасидан изланиш олиб борилмоқда. Лаборатория салоҳияти-

дан имкон қадар кўпроқ фойдаланишга муваффақ бўлинганлиги тергов тадбирларининг техник ва технологик даражасини анчагина оширмоқда, бошқа тергов ҳаракатлари ёрдамида далиллар олинганга қадар гумон қилинувчини тезкорлик билан топиш ва шахсини белгилаш имконини бермоқда.

Куйида ДНК лабораториясида бажарилган баъзи қизиқарли тадқиқотлар ҳақида бир неча мисол келтирмоқчиман. 2008 йилда бу ерда зўрлик аломатлари билан ўлим топган саккиз яшар қизнинг мурдасидан топилган факт бўйича кўзғатилган жиноят иши доирасида бир экспертиза ўтказилди. Текшириш учун 10 дан ортиқ ашёвий далил тақдим этилган эди. Текшириш ва тадқиқотнинг ҳар хил усулларини қўлланиб, ДНК лабораторияси экспертлари баъзи объектларда маний хужайраларини аниқладилар. Шундай кейинги ўтказилган молекуляр-генетик текширишлар гумон қилинадиган шахслардан бири мазкур жиноятга дахлдор эканлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини берди.

ДНК лабораториясида фуқароларнинг туғруқхоналарда чақалоқларни алмаштириб қўйганликлари хусусидаги аризалари асосида кўзғатилган жиноят ишлари бўйича ҳам экспертизалар ўтказилади. Чунончи 2009 йили Самарқанд вилоятида И. деган фуқаро оғир оёқ хотини беҳуш ҳолатда ётганида операция йўли билан, яъни онанинг қорнини ёриш йўли билан фарзандли бўлганлиги, бироқ вақтдан кейин хотинига қўл ва оёқларига ўғил бола деб ёзилган... қизалоқни келтириб беришганлиги муносабати билан милицияга ариза билан мурожаат қилган. Ота туғруқхонада тиббиёт ходимлари болани алмаштириб қўйишган деб шубҳаланаётганлигини айтган. Тиббиёт ходимлари сўраб-суриштирилганда маълум бўлдики, мазкур аёл чиндан ҳам қиз туққан, тиббиёт ҳамшираси эса анча машаққатли ўтган тунги сменадан кейин ёзувда чалкашликка йўл қўйган. ДНК лабораториясида ўтказилган экспертиза эндигина туғилган қизалоқ фуқаро И. билан рафиқасининг биологик фарзанди эканлигини холисона тарзда тасдиқлаб берди.

Наманган вилоятида кўзи ёриган келинчакнинг онаси фуқаро П.нинг аризаси бўйича кўзғатилган бошқа жиноят иши бўйича ҳам шунга ўхшаш экспертиза ўтказилди. Онага ҳам, қизига ҳам янги

туғилган гўдак қизалоқ қар-соқов деб айтишгач, улар туғруқхона ходимлари соғлом қизалоқни ногирон гўдакка алмаштириб қўйишган деб гумон қилишган. Экспертларимиз биологик қон-қардошлиқни белгилаш юзасидан текшириш ўтказиб, бу гўдак кўзи ёриган келинчак билан эрининг биологик фарзанди эканлигини тасдиқлаб бердилар.

ДНК лабораториясида фуқаролик ишлари бўйича судлардан оталиқни белгилашга оид келиб тушган материаллар бўйича кўплаб текширишлар ўтказилди. Бундай ишлар аксарият ҳолларда даъвогар аёлларнинг ўз фарзандлари биологик оталигини белгилаш тўғрисидаги аризалари асосида кўзғатилган бўлади. Эркак даъвогарларнинг бу таҳлит мурожаатлари кам учрайди. 2008 йилдан эътиборан бундай экспертизаларни тайинлашга асос бўлган сабаблар доираси анча кенгайди. Хусусан, меросга бўлган ҳуқуқ даъвоси бўйича учта текшириш, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномадаги ёзувларни бекор қилиш ҳақидаги даъвогар бўйича олти та экспертиза ўтказилди.

Жумладан, Бухоро вилоятида М. деган фуқаро судга учта жавобгарга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат этиб, ота тарафдан улардан иккитаси ўғай укалари бўлиб чиқиши ҳамда қонун бўйича ўзига тегаётган меросга улар даъво қилиши мумкинлиги ҳақида арз қилган. У-хромосома бўйича ўтказилган текширишлар даъвогарнинг жавобгарлар билан қон-қардошлигини тасдиқлади.

Суд-тергов органлари топшириқлари асосида ўтказиладиган экспертизалардан ташқари лабораторияда фуқароларнинг оталиқни текшириб кўриш тўғрисидаги аризалари асосида пуллик текширишлар ҳам амалга оширилади. Судларнинг ажримлари асосида ўтказиладиган экспертизалар учун арзгўйлар қисман ҳақ тўлайдилар. Ҳақ тўлаш заруриятини шу билан изоҳлаш мумкинки, ускуналар ва керакли реактивлар нархи ҳозир жуда қиммат – улар чет элдан валютага сотиб олинади.

ДНК лабораторияси иш бошлаганига ўн йилдан ошди. Қилни қирқ ёрувчи экспертларимиз ўз тадқиқотлари билан ўзини тарихий шахсларга ёки бадавлат хонадонларга мансуб деб юрувчи фирибгарларни асл жойини кўрсатиб қўйишга қодир.

Ольга МАРШАНСКАЯ,
Адлия вазирлиги
хузуридаги Республика суд
экспертизаси марказининг
давлат эксперти.

Рўйхатлар

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 17 июндаги 10-1117/9465-сонли ҳал қилув қарорларига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги "O'ZMEVASAVDO" МЧЖ ҳамда 10-1117/9466-сонли ҳал қилув қарорига асосан "VOROBYOB ANDREY GENNADEVICH" МЧЖ банкрот деб эътироф этилди ва тугатишга оид иш очилди. Мазкур корхоналарнинг топширилмаган думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, корхоналарнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги қарорлари ва таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинди. Мазкур корхоналарга нисбатан талаб ва таклиф ҳамда эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида тугатиш комиссиясига Тошкент ш., Рахматуллин кўчаси, 314-уй, Мирзо Улуғбек туман ДСИ биноси, 209-хонада қабул қилинади. Тел. 262-17-82.

*Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорларига асосан Бектемир туманидаги тугатиладиган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
"ALI-BEGI BURGER" ХК	10-1119/8003
"WE ARE HAPPY" МЧЖ	10-1119/8004
"BEK ELEKTR TA'MINOT" МЧЖ	10-1119/8005
"RESTLING START SERVIS" МЧЖ	10-1119/8006
"DIGITAL PARTNER" МЧЖ	10-1119/8007
"SAID A'LOXON" ХИЧФ	10-1119/8008
"INTER TRAST AGROIMPEX" МЧЖ	10-1119/8009
"KOMIL TRADING KAPITAL" МЧЖ	10-1119/8013
"Тошкент вилояти хўжалик хисобидаги архив" ДК	10-1119/8016
"PIA BIZNES PLUS" МЧЖ	10-1119/8019
"SULPAK ELEKTRONIKS" ХК	10-1119/8020
"QURILISH VIRTUAL SERVIS" МЧЖ	10-1119/8021

Мазкур корхоналар кредиторлари даъволарини тақдим этишлари учун эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат белгиланган.

"NIXOL AL JAXON" МЧЖ	10-1119/8010
"YANGI FAZO TEX" МЧЖ	10-1119/8011
"TEXTSHVEYPORT" ХК	10-1119/8012
"A-SARDOR" ХК	10-1119/8014
"MAXIMUM OYL" МЧЖ	10-1119/8015
"GOLDEN MEGA" МЧЖ	10-1119/8017
"TATYANA XIZMAT" МЧЖ	10-1119/8018

Мазкур корхоналар кредиторлари даъволарини тақдим этишлари учун эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат белгиланган.

Ушбу корхоналарнинг муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Кредиторларнинг даъволари куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Х.Бойқаро кўчаси, 2-уй. Тел. 295-02-80.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 7 июндаги ажримларига асосан Бектемир туман ДСИ рўйхатидан ўтган банкротлик иши кўзғатилган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами
"SADOQATLI ARMONXO'JA" ХФ	10-1110/9701
"OZOD-MUKAMMAL" МЧЖ	10-1110/9702
"ALFA TEXNO SERVIS" МЧЖ	10-1110/9703
"QURILISH BINO TA'MIR" МЧЖ	10-1110/9704

Мазкур корхоналарга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинди. Ушбу корхоналар кредиторлари Тошкент ш., Х.Бойқаро кўчаси, 92-уй, Бектемир туман ДСИ биноси, 213-хонага мурожаат қилишлари мумкин. Корхоналар кредиторларининг барча эътироз ва даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат мобайнида Бектемир туман ДСИ биносида қабул қилинади. Тел. 295-44-04.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 20 июндаги ажримларига асосан Олмазор туманидаги соддалаштирилган таомилда банкрот деб иш юритиш ва кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ


Корхона номи	Ажрим рақами
"ДИЛБАР" ХФ	10-1114/10186
"Nur-Said" ХК	10-1114/10178
"Etakchi-Biznes" ХК	10-1114/10179
"Ideal Unversal-Servis" ХК	10-1114/10181
"ДАСИ" ХК	10-1114/10182
"Gold-SHod Unversal" ХК	10-1114/10180
"Inter-Priz" МЧЖ	10-1114/10183
"Табобат Сари" МЧЖ	10-1114/10184
"Zest-Pro-Business" ХК	10-1114/10185
"Barkamol-Avlod" МЧЖ	10-1114/10187

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб Олмазор туман ДСИ ходими Х.Ҳаётов тайинланган. Кредиторларнинг 1-ийгилиши 2011 йил 7 июль куни соат 14.00 да Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Олмазор туман ДСИ биноси, 401-хонада бўлади. Соддалаштирилган тартибда банкротлик иши 2011 йил 19 июль соат 16.30 да Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Олмазор туман ДСИ биноси, 4-қаватидаги 410-хонада кўрилади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 17 июндаги ҳал қилув қарорларига асосан Яккасарой туманидаги банкрот деб эътироф этилган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами	Юридик манзили
"MOXIR QURILISH MONTAJ SAVDO" МЧЖ	10-1109/9404	М.Таробий кўч., 31а
"TAYBOKS" МЧЖ	10-1109/9405	Жамбул 3-тор кўч., 3

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Яккасарой туман ДСИ ходими М.Чутов тайинланган. Ушбу корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳрлари ва бурчак штамплари, шунингдек давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Ушбу корхоналарга нисбатан талаб ва мурожаатлар 1 ой давомида Тошкент ш., Фарход кўчаси, 6а-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 3-қават, 307-318-хоналарда қабул қилинади. Тел. 250-70-87.



TOP

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

САМАРАЛИ ХУЖЖАТЛАР АЙЛАНУВИ ВА ТЕЗКОР МАТБАА УЧУН ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАР



KONICA MINOLTA

✓ Тўлиқ рангли ва монохром копирлар, принтерлар, кўп функцияли офис тизимлари, **Konica Minolta** босмасининг самарали тизимлари



✓ **RISO** рақамли мини-босмаҳоналари, матбаа ускуналарининг кенг спектори



✓ **ACCO Brands** офис ускуналари



RISO



ABBY Microsoft Adobe



✓ Шахсий компьютерлар ва лицензияланган дастурий таъминот

□ Кафолат, фойдаланишнинг бутун даврида техник қузатув
□ Оригинал сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар

Товар сертификатланган


ATK TURON - Konica Minolta, RISO, ACCO Brands расмий ҳамкори
Тел./факслар: 237-47-00, 237-48-00. E-mail: info@atcturon.uz; www.atcturon.uz

«АТЛАНТ» МАИШИЙ ТЕХНИКАСИ

Тўлов - исталган шаклда

Беларусь Республикасида ишлаб чиқарилган

- Совутгичлар
- Музлаткичлар
- Кир ювиш машиналари
- Мотор-компрессорлар
- Электр чойнақлар, уларга эҳтиёт қисмлар



Кафолатли хизмат кўрсатиш муддати - 3 йил

Товар сертификатланган

Тел.: 241-58-88, 244-86-34, 344-68-66, 457-71-50
Манзил: У.Юсупов кўч., 76/7, 1-хонадон (мўлжал - Лабзак)

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ УЛГУРЖИ САВДОСИ

ЦЕМЕНТ

Битум, рубероид

Алебастр, бўр, оҳак
Кальций карбиди
Электродлар
ПВА елими, дурадгорлик КМЦ елими
Суялтиргич эритгич 649
Курук қурилиш аралашмалари (гипсли, цементли)
Эмаллар, локлар, бўёқлар, алифмой
Шпатлёвка
Линолеум
Саморезлар 32.5176
Махсус кийим-бош ассортименти

Ҳимоя каскалари
Респираторлар
Хўжалик моллари
Қурилиш миҳлари 32-120
Сетка-рабица
Гипсокартон
Кум, шағал
Шифер
Қурилиш анжомлари
Кетмонлар, болталар, катта болгалар, ломлар
Белкураклар (тиғли, куракли)
Ёзув-чизув товарлари
Рухланган пўлатдан профиллар

ШУНИНГ ДЕК 300 ДАН ОРТИҚ НОМЛАНИШДАГИ БОШҚА МАҲСУЛОТЛАР

8-371-140-00-12 Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42
8-371-140-04-12 chsu.torg@mail.ru

«Интеграл стар» ХК тақлиф қилади

«ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридagi талаб ва тақлиф

«AMIR-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия
УЗР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини амалга оширади

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

САР ва СІРА сертификатларига эга бўлган аудиторлар ишга тақлиф этилади

Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

«NAZORAT-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
УЗР МВнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари

Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва молия қонун ҳужжатларига мувофиқ барча консалтинг хизматларини кўрсатамиз

Манзил: Тошкент ш., Гавҳар кўч., 124.
Тел. (8371) 279-47-16, Факс (8371) 279-44-01.
Ушбу: (+99897) 402-05-00, 340-98-82, 335-19-67, (+99894) 663-77-74.
E-mail: itd_nazorat-audit@mail.ru

Виллоятлардаги алоқа боғлаш телефонлари:
Нукус (+99861) 357-43-26, Хоразм (+99862) 524-51-55,
Сурхондарё (+99894) 461-32-70, Самарқанд (+99865) 777-01-63,
Наманган (+99869) 258-57-97, Жиззах (+99872) 328-08-00

ТОП

237-51-33
237-47-20
237-47-05

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

ЭЪЛОНЛАР
ИЖАРА Омборхоналар ижарага берилади. Мўлжал - Жанубий вокзал. Тел.: 250-16-62, 743-60-55.
АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ Аудит. Бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 570-18-64.
Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 370-63-06, 263-77-29.
ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР Дебиторлик қарзини ундириш. Юридик хизмат кўрсатиш. Хўжалик, жиноят ишлари*. Тел. (+99897) 330-45-71.
Шартномаларни визалаш, хўжалик судида манфаатларни ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича адвокат, корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш*. Тел.: 449-03-03, 244-01-27.
Дебиторлик қарзини ундириш. Хўжалик судида вакиллик қилиш. Корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш. Адвокат Шуман Неля Сергеевна*. Тел./факс: 242-33-52, 341-03-50 (уяли).
БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ Баҳолаш ва бизнес-режалар*. Тел. 430-56-00.
ХИЗМАТЛАР Компьютерларга хизмат кўрсатиш. Тел. (+99897) 438-41-22.
Компьютерларни таъмирлаш, шахсий компьютерларга техник хизмат

ЭЪЛОНЛАР
кўрсатиш. Windows, дастурий таъминот ва Интернет ўрнатиш ва созлаш. Жойига чиқиш билан. Тел.: (+99893) 577-44-56. Михаил.
ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ: юридик, техник, тиббиётга оид ҳужжатларни малакали таржима қилиш. Легаллаштириш. Тел.: 252-38-71, 454-80-01.
Маиший техникани таъмирлаш. Тел. (+99897) 437-07-23.
Сервис маркази: компьютерлар, принтерлар, мониторлар таъмирлаш, тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.
Уй ва офис учун мебель**. Тел. (+99893) 595-55-77.
Ташкилий техникани таъмирлаш ва тўлдириш. Тел. (+99897) 340-45-08.
Қурилиш-таъмирлаш ва пардозлаш ишлари. Тел.: 244-86-80, 244-86-79.
Сметаларни жорий нархларда тузиш. Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалаштириш*. Тел.: 244-86-80, 244-86-79.
*Хизматлар лицензияланган. **Товар сертификатланган.

Рўйхат	
Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 10 июндаги ажримларига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга оид иш очилган корхоналар РЎЙХАТИ	
Корхона номи	Ажрим рақами
"RESP.MUHANDISLAR ISHLAB CHIQRISH MARKAZI" МЧЖ	10-1117/9469
"SABAN PLUS" МЧЖ	10-1117/9470
"RIZING STAR ANJ" МЧЖ	10-1117/9471
"AZIA-PLAST SERVIS" ХК	10-1117/9472
"SHIFO SUT MAHSULOTLARI" МЧЖ	10-1117/9473
Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йиғилиши 2011 йил 4 июль куни соат 11.00 да Тошкент ш., Шаҳриобод кўчаси, 314-уй, Мирзо Улуғбек туман ДСИ биносиде ўтказилади. Ушбу корхоналарнинг банкротлик иши 2011 йил 6 июль соат 11.00 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносиде (Тошкент ш., Чўпон ота кўчаси, 6-уй) 1-сонли суд залида бўлиб ўтади. Ушбу корхоналарнинг дебитор ва кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга. Тел. 262-17-82.	

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нўқтаи назарига мос келавермайди.
Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
"Norma маслаҳатчи" да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан таёрланган диапозитивлар ёрдамида "ТОПРИНТ" МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс - 186 Буяртма 1097 Ауди 4865. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2011 йил 24 июнда соат 18.00 да топширилади.
ISSN 2010-5223